14 йил

Mustaqil O'ZBEKISTON

29 (463)

2005 йил 20 июль

Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

Сахифада

2
- "Футболимиз келажаги"да келажак футболчилари
- Бўжайлик Баширжон нега хафа?

3
- Заминга заҳмат етмасин!
- "Маҳаллалар "Mahalla"сиз бўлмайди"

4
- Аҳолиси ғоят бой бўлган... кент
- Салтанатхон "сеп" ёйганди...

Хоразм вилояти

Мурожаат ва муносабат

АЁЛ АҲДИ БУЮКДИР

Фарғона аёлларининг Андижон воқеалари муносабати билан ҳур Ўзбекистон хотин-қизларига йўллаган Мурожаатини ўқиб, қалбим ҳаяжонга тўлди. Муборак ҳадисларда айтилганидек, "Аёлларни фақат улуғ одамлар ҳурмат қилади. Уларни фақат пасткаш одам хўрлайди".

Афсуски, бир гуруҳ ёвуз ниятли ғанимлар 13 май куни Андижонда мана шу муқаддас амалларни, неча минг йиллик эъзозга эга бўлган қадриятларимизни оёқ ости қилдилар. Аммо бу ғаламисларнинг ёвуз нияти амалга ошмади. Улар ҳадиси шарифда зикр этилганидек, оқ сут берган оналар қаҳру ғазабига дучор бўлди. Ахир юз берган фожеа оқибатларидан энг аввало онаизорлар озор чекдилар. Юрак-бағри қон-зардобга тўлди уларнинг.

Ҳа, ислом динини ниқоб қилиб, фарзандларимизни эгри йўлга бошлаётганларига айрим оналарнинг бепарво бўлганлиги ҳам бор гап. Мен она сифатида муҳтарама аёлларимизни ўз фарзандларига ҳамиша сергак туришини, уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан огоҳ бўлишини, адашиб, алданиб ўз жигарбандларини ғанимлар қўлига топшириб қўймасликларини истар эдим. Фарғоналик аёллар Мурожаатида ҳам бу ўта қуйинчаклик билан таъкидланган.

Биз хоразмлик аёллар ақл-заковат бобида мард ва донолиги билан дунёга донг таратган Тўмарис авлодларимиз. Бу аёл сиймоси бугун жаҳонда қаҳрамон аёл тимсолига айланган. Унинг жасорати асрлар оша авлоддан авлодга, тилдан тилга, дилдан дилга кўчиб келаяпти.

Ана шундай Тўмариссифатли хоразмлик аёллар номидан фарғоналик аёллар Мурожаатини чин дилдан қўллаб-қувватлаб, жонажон Ўзбекистонимизнинг барча оналарига, хотин-қизларига фарзандларимизни фақат бешикда эмас, улғайиб катта бўлган эшикда, кўча-куйда, ҳар дақиқа қалбимиз қўрида, юрагимиз тўрида, кўзимиз ўнгида ниҳолдек асраб-авайлайлик, дейман.

Онабиби МАТКАРИМОВА,
Урганч шаҳридаги Ал-Хоразмий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси, "Эл-юрт ҳурмати" ордени нишондори.

— Яна нима дейди?
— Оилавий спортда сиз ҳам қатнашинг, — дейди.

2005 ЙИЛ – СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ

Спортнинг саломатликни таъминлашдаги ҳиссаси муҳим. Шу боисдан бугун малакатимизда оилавий спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаяпти. Айниқса, қишлоқ ва маҳаллаларда спорт билан шуғулланувчи юртдошларимиз сафи кенгайиб, жамиятимиз юраги бўлган оилаларда соғлом турмуш тарзи қарор топаяпти.

Айни кунларда пойтахтимиздаги "Умид" болалар спорт мажмуаси ана шундай спорт ихлосмандлари билан гавжум. Бу масканда республика Оилавий спорт мусобақаларининг якуний беллашувлари бўлиб ўтмоқда. Вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистондан келган ҳудудий босқич ғолиблари — спортчи оилалар республика ғолиблиги учун баҳс олиб бормоқда.

СУРАТЛАРДА: *Оилавий спорт мусобақаларининг Хоразм вилояти бўйича ғолиби, шовотлик Ботировлар оиласи ва беллашув пайти.*

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

19 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда 2005 йил I ярим йиллигида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги, мамлакатни ислоҳ қилиш бўйича янги стратегик вазифаларнинг амалга оширилиши учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг роли ва масъулияти муҳокама қилинди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Шавкат Мирзиёев олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йилнинг 28 январида бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида, шунингдек 7 февралда Оқсарой қароргоҳида ҳукумат аъзоларининг янги таркиби иштирокида ўтказилган йиғилишдаги нутқида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини танқидий таҳлил қилиш мажлис қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Шу билан бир қаторда, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий муҳофаза қилишни мустаҳкамлашга, солиқ юкини камайтиришга, солиқларни тўлаш ҳамда ҳисоботларни тақдим этиш тизимини соддалаштиришга, шунингдек молиявий жавобгарликни эркинлаштиришга қаратилган бир қатор муҳим фармонлар ва қарорларнинг қабул қилиниши бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришда ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришда муҳим омил бўлди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, мажлис кун тартибини муҳокама қилишда қуйидагилар устувор масалалар этиб белгиланди: ҳукумат олдига қўйилган вазифалар қандай бажарилмоқда, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари мазкур масалаларни ҳал этишга нечоғлик масъулият билан ёндашмоқда, бу борада эришилган дастлабки натижалар қандай? Иқтисодиётни эркинлаштириш соҳасида кейинги ойларда қабул қилинган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар пакети қай тарзда амалга оширилади?

Мажлисда ушбу масалаларни танқидий муҳокама этиш давомида шу нарса қайд этилдики, иқтисодиётни ислоҳ этиш ва мамлакатни модернизация қилиш бўйича устувор йўналишларнинг изчил амалга оширилиши 2005 йил биринчи ярим йилллигида инфляциянинг мўътадил даражасини, бюджет мутаносиблигини, фаол ташқи савдони, савдо балансида ижобий сальдони таъминлаган ҳолда юқори суръатлардаги иқтисодий ўсиш тенденциясини мустаҳкамлаш имконини берди.

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 7,2 фоизни, шу жумладан саноатда — 107,5 фоизни, қишлоқ хўжалигида — 107,2 фоизни, қурилишда — 103,4 фоизни, чакана товар айланмасида — 108,1 фоизни, пулли хизматлар кўрсатишда — 111,6 фоизни ташкил қилди. Шунингдек бунга инвестицияларнинг 105,4 фоизга ва экспортнинг 116,7 фоизга кўпайганлиги ҳам ёрдам берди. Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари аҳоли реал даромадларининг ошишини таъминлади.

Ташқи савдо айланмаси 4838,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди ёки 2004 йилнинг шу даврига нисбатан 16,6 фоизга ўсди. Савдо балансининг ижобий сальдоси 808 миллион АҚШ долларини ташкил этди, бу ўтган йил кўрсаткичларидан анча юқоридир. Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаоллиги ўсганлиги туфайли жорий йилнинг январь-июнь ойларида давлат бюджетининг даромад қисми ошириб бажарилди.

Кичик бизнес ва хусусий секторнинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши сезиларли ошди. Кичик бизнес корхоналари сони 12,7 фоизга кўпайди. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 253 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди.

Иқтисодиётда инвестиция фаоллигини ошириш изчил таъминланмоқда, айни бир вақтда капитал қўйилмалар ўтган давр мобайнида ўтган йилнинг биринчи ярим йиллигидаги 2,2 фоиз ўрнига 5,4 фоизга ошди.

Ҳукумат дастурларига мувофиқ уй-жой-коммунал хўжалиги тизимида, уй-жой қурилишида ислоҳотлар бошлаб юборилди, шунингдек енгил саноатни ва қурилиш материаллари саноатини ривожлантиришнинг тармоқ дастурлари амалга оширилмоқда. Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда, уларга муайян даражада молиявий ёрдам кўрсатилмоқда.

Бир қатор муҳим объектлар барпо этилди ва фойдаланишга топширилди. Чунончи, «Бойсун-Қумқўрғон» темир йўли участкаси, «Когон-Ғазли» ва «Муборак-Ғаллаорол» магистрал газ қувурлари участкалари, Муборак газни қайта ишлаш заводида янги қурилмалар, саноатнинг турли тармоқларида янги ишлаб чиқаришлар ва шу кабилар ишга туширилди.

Шу билан бирга, мажлисда алоҳида қайд этиб ўтилганидек, хусусий тадбиркорлик соҳасини амалий, ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш талаб қилинади. У давлат бошқаруви органларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига асоссиз равишда аралашувини чеклашни, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришни, солиқ юкини камайтиришни ва рақобат муҳитини ривожлантиришни қатъиян таъминлаши зарур.

Шу муносабат билан ҳукуматнинг, вазирликлар ва идораларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати билан ўзаро узвий ҳамкорлик қилиши, кичик ва хусусий бизнесни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг қонунчилик базасини такомиллаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш, қабул қилинган фармонлар ва қарорларга мувофиқ, хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан санкцияларни фақат суд томонидан қўлланиш тизимини жорий этишни таъминлаш бўйича устувор вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш биринчи навбатдаги ва жадал чора-тадбирлар кўрилиши зарур бўлган масалалар этиб белгиланди.

Ислоҳотларни амалга оширишда тадбиркорлик субъектларини назорат идораларининг ноқонуний тафтишлари ва текширишларидан халос қилиш масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Бу ноқонуний аралашаётган ва тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини камситаётган шахсларнинг муқаррар жазоланишини талаб этади. Ушбу масалалар бўйича Адлия вазири Б.Мустафоев, Бош прокурор Р.Қодиров, Олий хўжалик суди раиси А.Ишметов ва Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиевнинг ахборотлари тингланди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси нафақат тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, бу борадаги тўсиқлар ва чеклашларни бартараф этишга, балки хусусий секторнинг экспорт потенциалини кенгайтиришда ёрдам кўрсатишга ҳам даъват этилган. Палата раиси А.Шайхов ўз нутқида ушбу муаммоларга ва уларни ҳал этишга доир аниқ таклифларга тўхталди.

Давоми 2-сахифада

"Mahalla" хабарлари

КЕНАГАСЛИК ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

САМАРҚАНД. /ЎзА мухбири Акбар ҚАРШИЕВ/. Мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаш, спортни оммалаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ўзининг ижобий самарасини бераётир. Жаҳон ареналарида зафар қозониб, мустақил юртимиз байроғини юқори кўтараётган спортчиларимиз сони йилдан-йилга кўпаймоқда.

Литва пойтахти Вильнюс шаҳрида эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ватанимиз шаънини ҳимоя қилган курашчилар орасида самарқандлик полвонлар алоҳида ўрин тутди. Самарқанд темир йўл вокзалида мусобақа совриндорлари, ўз вазни бўйича жаҳон чемпионлигини қўлга киритган Элбек Тожиев, кумуш медаль соҳиби Шерали Шодмонов ва бошқа курашчиларимизни кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

— Ургутнинг Кенагас қишлоғида ўсиб-улғайганман, — дейди жаҳон чемпиони Элбек. — Болалигимдан тўйларда кураш тушиб юрардим. Менга кураш сирларини ўргатган биринчи устозим Умрбоқи Дўстовдан жуда миннатдорман.

Шуни таъкидлаш лозимки, Э.Тожиев ёш бўлишига қарамай, Самарқанд олимпия заҳиралари коллежида ёшларга мураббийлик қилади, ўз тажрибаларини ёш курашчиларга ўргатади. Ҳозирда 50 килограмм вазнлилар орасида жаҳон чемпиони бўлган ёш курашчи келгусида бундан-да юқорироқ натижаларни кўзламоқда.

СУРХОН ПОЛВОНЛАРИ АМЕРИКАГА БОРАДИ

Шу йилнинг 22-24 июль кунлари Жанубий Американинг Санта-Доминикан шаҳрида кураш бўйича жаҳон чемпионати ўтказилади.

Ана шу чемпионатда жорий йилнинг 16-18 июнь кунлари Жиззаҳда бўлиб ўтган миллий кураш бўйича мамлакат биринчилигида ғолибликни қўлга киритган машҳур Абдулла полвон Тангриев, Давлат полвон Чориев, Шерали полвон Мўминовлар қатнашадиган бўлдилар. Дарвоқе, жаҳон чемпионатига мамлакатимиздан тўрт киши боради. Тўртинчи полвон бухоролик Рамзиддин Саидовдир.

Баҳри уммон ортида ўзбек курашини, Ўзбекистон спортини намойиш этишга чоғланаётган довруқли полвонларимиз айни шу кунларда қаттиқ тайёргарлик кўришаётир.

Маҳмуд АБДУЛФАЙЗ,
"Туркистон-пресс".

Қашқадарё вилояти

Вилоят бўлими пленумида

КУН ТАРТИБИДА ТАШКИЛИЙ МАСАЛА

"Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлимининг Пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ташкилий масала кўрилди. Шу пайтгача "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси бўлиб ишлаб келаётган Абдували Сафаров бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан бошқарув раиси вазифасидан озод этилди.

Пленумда вилоят ҳокимлигида мутахассис лавозимида ишлаб келаётган Доли Аллаев "Маҳалла" жамғармаси Қашқадарё вилояти бўлими бошқарув раиси лавозимига сайланди. Шунингдек, Қурбон Ҳамидов бошқарув раиси ўринбосари этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси Республика бошқаруви раиси А.Г.Гадойбоев, вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Инобат Каримовалар иштирок этишди.

"ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК ОЙИ"

Вилоятда ўтказилаётган бу тадбирда барча қишлоқ ва маҳаллалар хотин-қизлари фаол қатнашмоқдалар.

Ундан кўзланган асосий мақсад аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, она ва бола соғлиғини мустаҳкамлаш, репродуктив саломатлигини яхшилаш, оилада турмуш тарзини соғломлаштиришдан иборат. Айни пайтда тадбир режасига кўра қишлоқ ва маҳаллаларда турли учрашувлар, давра суҳбатлари, семинарлар ўтказилаяпти.

Хусусан, "Аёл ва ҳуқуқ" кўрик-танлови вилоят хотин-қизларида катта таассурот қолдираётир.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **060** рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА ҲАМ ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. 2005 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ТАЙВАН ХИТОЙГА ҚЎШИЛИШИ МУМКИН

Тайвандаги йирик мухолиф партия — Гоминданнинг раҳбари ўзгарди. 16 июль куни ўтказилган сайловда Тайбэй шаҳри мэри Ма Инцзю ўзининг рақиби — парламент спикери Ван Цзинпиндан устун келиб, партияга раҳбар этиб сайланди.

Ма Инцзю — Тайвандаги обрўли сиёсатчилардан. Энг муҳими, у оролнинг Хитойга қўшилиши тарафдори. Кузатувчиларнинг фикрича, энди Тайбэй мэри 2008 йилда бўладиган президент сайловида асосий номзодлардан бирига айланади. У ғалаба қозонса, Гоминдан партияси оролда яна етакчилик мақомини қўлга киритиши аниқ.

Гоминдан партияси салкам олтмиш йиллик тарихга эга. Ўтган асрнинг ўртасида Хитойда гоминданчилар коммунистларга қарши курашган. Лекин 1949 йилда мағлубиятга учрагач, оролга қочиб ўтган ва у ерда ўз маъмуриятини ташкил қилган эди. Бу партия Тайван маъмуриятини 2000 йилгача бошқарди, эндиликда мухолифатдаги йирик сиёсий куч бўлиб турибди.

Айтиш керакки, сўнгги йилларда Хитой ҳукумати Гоминдан ва Тайваннинг бошқа мухолиф партиялари билан ришта боғлашга ҳаракат қилягти. Шу йилнинг апрель ойида Гоминданнинг собиқ раҳбари Лян Чжан 56 йиллик танаффусдан кейин Хитойга ташриф буюриб, мамлакат раҳбари Ху Цзинтао билан учрашди. Хитойга қўшилмаслик ғоясига қарши бўлган бошқа партияларнинг етакчилари ҳам унга ҳамроҳ бўлди.

Хуллас, узоқ йиллар бир-бирига душманлик қайфиятида бўлган сиёсий кучлар эндиликда дўстлик алоқаларини тикламоқчи. Хитой раиси Ху Цзинтао Гоминданнинг янги раҳбарини ғалаба билан қутлади. Кузатувчиларнинг айтишича, у яқин орада Ма Инцзюни Пекинга таклиф қилиши ҳам мумкин. Ўз навбатида, Ма Инцзю ҳам Хитой раҳбарига шошилинчнома йўллаб, орол билан материк ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш учун Хитой раҳбарияти билан ҳамкорлик қилишга тайёрлик билдирди.

Хитой Тайванни ўз ҳудуди деб билади ва мамлакат яхлитлигини сақлаб қолиш тарафдори. Агар орол мустақиллик эълон қилса, Пекин унга нисбатан ҳарбий куч ишлатиши ҳам мумкин. Хитой ҳукумати Тайван маъмуриятини шундан огоҳлантирган. Лекин вазият у даражага бориб етмаса керак. Қолаверса, навбатдаги Президент сайловида Гоминданнинг янги раҳбари ютиб чиқса, Тайван Хитойга қўшилиши эҳтимолдан холи эмас.

Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Кун тартибидаги масалаларнинг навбатдаги гуруҳи 2005 йилги Инвестиция дастурини амалга оширишга ва мамлакатда инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирларига бағишланди.

Сўзга чиққан раҳбарларнинг асосий эътибори илгари амалга оширилган инвестиция лойиҳаларининг юқори самарадорлигини таъминлашга ва хорижий сармояни республика иқтисодиётига жалб этишни кенгайтириш чора-тадбирларига қаратилди.

Иқтисодиётнинг реал секторига инвестициялар жалб этиш жараёнида кредит муассасалари муҳим ўрин тутади. «Асака банк» раиси Ш.Жўраев ушбу ишнинг ҳолати тўғрисида ва иқтисодиётнинг аниқ тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб этишни анча кенгайтириш бўйича банкнинг таклифлари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини кредитлаш ҳажмлари тўғрисида ахборот берди.

Мажлисда 2005 йилги Инвестиция дастури айрим лойиҳаларини амалга оширишда хорижий инвестицияларни ўзлаштириш суръатларининг пастлиги учун Иқтисодиёт вазирлиги (С.Ҳасанов), Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги (Н.Нажимов), «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси (О.Раматов) раҳбарларига, Навоий вилояти ҳокимига (Б.Рўзиев), шунингдек тижорат банклари раҳбарларига ҳамда бир қанча лойиҳаларни молиялаштириш бошланиши кечикканлиги учун «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси (А.Баҳромов) раҳбарларига қатъий кўрсатиб ўтилди.

Мажлисда айрим ўқув юртларини қуриш ва фойдаланишга топширишнинг суст суръатлари қайд этилди. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори А.Каримов ўз нутқида қайд этганидек, бир томондан, тендер савдолари ўтказишда йўл қўйиладиган камчиликлар, иккинчи томондан эса - қурилиш жараёни қатнашчилари томонидан ишларнинг етарлича самарали ташкил этилмаслиги, қурилиш қоидаларининг бузилиши ва қурилиш-монтаж ишларининг паст сифати бунинг сабаби ҳисобланади.

Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги фаолияти кескин танқид қилинди. Уларга қурилаётган ва реконструкция қилинаётган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни ўз вақтида ва сифатли фойдаланишга топшириш, ушбу мақсадлар учун ажратилаётган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат бўшаштириб юборилганлиги ҳамда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари қуриш ва уларни реконструкция қилишда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўрилиши учун шахсан жавобгар эканликлари кўрсатиб ўтилди.

Мажлисда 2005 йилги Хусусийлаштириш дастурини ўз вақтида амалга оширишга нималар тўсқинлик қилаётганлиги ҳақидаги масала кескин қилиб қўйилди. Ушбу масала бўйича Давлат мулкини бошқариш қўмитаси раиси М.Асқаров ҳисобот берди. Муҳокама давомида йўл қўйилган камчиликлар туфайли ҳисобот даврида ҳаммаси бўлиб 321 объект сотилганлиги қайд этилди. Жиззах, Сурхондарё вилоятларида, «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси (М.Худоёров), «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси (М.Абдуллаев), «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» холдинг компанияси (Р.Матчонов) тизимларида объектларни хусусийлаштириш топшириғи бажарилмади.

Кўрсатиб ўтилган идоралар раҳбарларига ушбу камчиликларни бартараф этиш ва дастурни 2005 йил охиригача сўзсиз бажариш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган қўшимча чора-тадбирлар кўриш бўйича топшириқлар берилди.

Кун тартибининг якунловчи масаласи бошоқли дон экинларидан бўшаётган ерларни ўз вақтида шудгор қилиш ва 2005 йил пахта ҳосили учун ғўзаларни сифатли ўстириш бўйича комплекс агротехник тадбирларни ҳамда ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олишни таъминлаш юзасидан ташкилий чора-тадбирларга бағишланди.

Аграр секторни ислоҳ қилиш ва қўллаб-қувватлаш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 7,2 фоизга ўсишини таъминлади. Деҳқонларнинг фидокорона меҳнати туфайли бошоқли дон экинларидан мўл ҳосил етиштирилди ва йиғиштириб олинди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С.Исмоилов, Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Й.Тожибоев ва Наманган вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Ғ.Барноев агротехника тадбирлари ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш юзасидан кўриладиган чора-тадбирлар ҳамда улар учун қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларининг раҳбарлари шахсан жавобгар эканлиги ҳақида тўхталдилар.

«Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» холдинг компанияси раиси Р.Матчонов, «Ўзагромашсервис» уюшмаси раиси Д.Солиҳбоев ва «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси раиси Ғ.Иброҳимовнинг ҳисоботлари қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланишда самарадорликнинг паст бўлиши сабабларига ва машина-трактор паркларининг узлуксиз ишлашини ташкил этиш учун уларни эҳтиёт қисмлар билан ўз вақтида таъминлаш муаммоларига ҳамда республика фермер хўжаликларига ўз вақтида ва сифатли сервис хизмати кўрсатиш чора-тадбирларига бағишланди.

Молия вазири С.Раҳимов, «Пахта-банк» бошқаруви раиси А.Боймуродов ва «Ғалла-банк» бошқаруви раиси И.Ўринбоевнинг ҳисоботлари давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўз вақтида молиялаштириш ва кредит беришнинг жорий этилган тизими самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланди.

Муҳокама давомида вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар раҳбарларининг асосий эътибори қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар жараёнларини изчил чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини таъминлашга, ерларни шудгорлашни тугаллаш, 2005 йил пахта ҳосили учун ғўзаларни ўстириш ва ҳосилни йиғиштириб олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ўз вақтида амалга оширилиши зарурлигига қаратилди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

/ЎзА/

Ёз...

Тошкент шаҳри

"ЎЙИНЛАР МАМЛАКАТИДА"

унда юздан ортиқ ўқувчи-ёшлар беллашдилар

Ёзги таътил даврида болажонларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида Юнусобод туманидаги Аҳмад Дониш номли маҳалла ҳамда туман Ўқувчи-ёшлар техник ижодиёти маркази ҳамкорликда "Ўйинлар мамлакатида" деб номланган тадбир ўтказди.

Тадбирда тумандаги 97- ҳамда 258-мактаблар қошидаги оромгоҳларда дам олаётган юздан ортиқ ўғил-қизлар иштирок этиб, тасвирий ва амалий санъат борасида ҳамда бошқа турли қизиқарли шартлар бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Беллашувлар шартлари болажонлар томонидан туман ҳудудида жойлашган 8 та автобекатда бажарилди.

Мавлуда АБИЛОВА

СУРАТДА: *тадбирдан лавҳа*

"Mahalla" нинг спорт майдони

"ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ" ТУРНИРИ МУСОБАҚАЛАРИДА

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси томонидан ўтказилаётган анъанавий "Футболимиз келажаги" турнири мусобақалари давом этмоқда.

КЕЙИНГИ БОСҚИЧГА ЙЎЛЛАНМА

Турнир республика босқичининг 15-16 ёшли ўсмирлар ўртасидаги зонал босқич баҳслари якунланди. Икки гуруҳга бўлиниб тўп сурган жамоалар Самарқанд ва Фарғона шаҳридаги ўйингоҳларда беллашувларни ўтказдилар.

Қизғин кечган баҳслар якунида Бухоро вилояти Қоровулбозор туманидаги Чўлқувар маҳалласи ҳамда Қашқадарё вилояти Муборак туманидаги Машъал маҳалласининг ёш футболчилари чиройли ўйин намойиш этиб, зонал босқичнинг А гуруҳи ғолиблигини қўлга киритди. Б гуруҳда ғолибликка Фарғона вилояти Охунбобоев туманининг Ғиштмон маҳалласи ҳамда Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги Абдураҳмон Султонов номли маҳалла жамоалари сазовор бўлдилар.

Энди ушбу жамоалар турнирнинг Республика босқичи ғолиблиги учун майдонда куч синашадилар.

Қашқадарё вилояти

ТУРОН ТЕРМИЗГА БОРАДИ

Вилоят биринчилиги учун 13-14 ёшли ўсмирлар ўртасида ўтган мусобақанинг ҳал қилувчи финал баҳсида Шаҳрисабзнинг Турон ҳамда Қарши шаҳрининг Пахтакор маҳаллалари ёшлари ўзаро куч синашди.

Муросасиз беллашувда 4:3 ҳисобида ғолиб келган шаҳрисабзлик ёш чарм тўп усталари Термиз шаҳрида ўтадиган турнирнинг республика ғолиблиги учун зонал босқичида қатнашадиган бўлишди.

Тошкент шаҳри

ГУЛИСТОН — ПОЙТАХТ ҒОЛИБИ

13-14 ёшли болалар ўртасида "Футболимиз келажаги" турнирининг Тошкент шаҳри биринчилиги учун кечган якуний баҳси пойтахтимизнинг "Пахтакор" марказий ўйингоҳида бўлиб ўтди.

Майдонда финалга йўлланмани қўлга киритган икки жамоа — Чилонзор туманидаги Гулистон маҳалласи ҳамда Сергели туманидаги Маданият маҳалласи вакиллари учрашдилар. Қизиқарли дақиқаларга бой бўлган учрашувда Гулистон маҳалласи ёш футболчиларининг қўли баланд келди. Ҳисоб — 4:0. Гулистон пойтахт ғолиби сифатида энди 13-14 ёшлилар ўртасидаги республика ғолиблиги учун баҳсга киради.

Тошкент вилояти

"ХАЛҚОБОД"ДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БАҲС

13-14 ёшлилар ўртасида турнир мусобақаларининг Тошкент вилояти бўйича ғолиб жамоалари номи Янгийўл туманидаги "Халқобод" ўйингоҳида маълум бўлди.

Финал беллашувларида Оққўрғон туманининг Дўстлик маҳалласи жамоаси вакиллари биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўринга Чиноз туманининг Афғон маҳалласи, учинчи ўринга Қибрай туманининг Янгиобод маҳалласи вакиллари сазовор бўлдилар. Мусобақа иштирокчиларига "Маҳалла" жамғармаси Тошкент вилояти бўлимининг совғалари топширилди.

Жиззах вилояти

БУНЁД БЎЙ КЎРСАТДИ

Жиззах туманидаги Ўзбекистон номли мактаб ўйингоҳида вилоят биринчилиги учун "Футболимиз келажаги" турнирининг 11-12 ёшли ўсмирлар ўртасидаги якуний беллашуви бўлиб ўтди.

Майдонда Жиззах шаҳридаги Бунёд маҳалласи ёшлари Ғаллаорол туманидаги Ғафур Ғулом номли ҳамда Жиззах туманидаги Хайробод маҳалласи жамоалари футболчиларидан устун эканликларини намойиш этиб, турнирнинг вилоят ғолиби бўлди.

Бухоро вилояти

ШАЙХУЛ ОЛАМ — БИРИНЧИ!

Пешку туманида ҳам турнирнинг 11-12 ёшлилар ўртасида Бухоро вилояти босқичи мусобақалари якунланди. Унда Бухоро шаҳридаги Шайхул олам маҳалласи болалари биринчиликни эгаллаб, турнирнинг республика босқичига йўлланма олди.

МУХБИРИМИЗ

СУРАТЛАРДА: *13-14 ёшлилар ўртасида "Футболимиз келажаги" турнирининг Тошкент шаҳри ғолиби — Чилонзор туманидаги Гулистон маҳалласи ёшлари ва тақдирлаш пайти.*

Мурожаат ва муносабат

БЎЖАЙЛИК БОЛАЛАР БЎЛАЖАКЛАР ЭМАСМИ?

У ҳолда нима учун ёш бўжайликларнинг спортга қизиқиши маҳалла мутасаддиларини лоқайд қолдирмоқда?

"Ассалому алайкум, ҳурматли "Mahalla" газетаси таҳририяти. Сизларга хат ёзишдан олдин анчагина фикр ва мулоҳазаларга бордим. Тўғарагимиз болалари билан маслаҳатлашдик, кейин хат ёзишга жазм этдик. Ҳозир газеталар жуда кўп, лекин уларнинг кўпчилиги кўнгилочар нашрлар. Долзарб муаммолар уларни қизиқтирмайди, уларга тиражни кўпайтириш, пул йиғиш асосий вазифа бўлиб қолди. "Mahalla" газетаси эса қишлоқ ҳаётини, маҳалла дардини ва қувончини ёритадиган газетадир.



Биз Фарғона вилояти Риштон туманидаги Бўжай қишлоғида яшаймиз. Мен маҳалла спорт инструкториман, аслида маҳалла тизимида бундай штат йўқ, мен ойлик маоши олмай ишлайман. Лекин маош олмай ишлаётганимдан ёзғириб ёзаётганим йўқ бу мактубни, чунки қишлоғимиз ёшлари билан шуғулланишдан ўзим олам-олам завқ оламан.

Биз — қишлоқ ёшлари молхона бўлиб ётган стадионни қўлимиздан келганча ўз кучимиз билан таъмирлаб, кўкаламзорлаштириб яроқли аҳволга келтирдик. Айни кунда ўттиздан ортиқ қишлоқ ёшлари шу ерда спорт билан шуғулланмоқдалар, уларда айниқса, футболга қизиқиш катта. Лекин спорт билан тўлақонли шуғулланиш учун зарур инвентарларга эга эмасмиз. Бу борада амалий кўмак сўраб қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғини раисларига жуда кўп маротаба мурожаат қилдик, бироқ... Газетангиз орқали эса бошқа жойларда қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари мутасаддилари томонидан маҳалла болалари ўртасида спортни оммавийлаштириш ишига нақадар катта эътибор берилаётганидан хабардор бўлаяпмиз. Улар билан бизнинг қишлоқдаги аҳволни солиштирсак... Бир савол бизга тинчлик бермайди: хўш, Бўжай қишлоғи болаларининг гуноҳи нима? Айниқса, болаларнинг орасида дарҳақиқат футболда иқтидорлилари борлигини кўриб-билиб турганим учун, бу иқтидорни етарли даражада тарбиялашга чора тополмаганимдан ҳам куйиниб кетаман. Ахир бу болалар шу қишлоқ, шу маҳалла, шу юрт болалари, бегона эмаслар-ку?!

Яқинда биз "Нефтчи" футбол жамоаси ўйинчиси Акмал Холматовга хат ёзгандик. Унга раҳмат, мактубимизга жавобан бизга ҳомийлик қилмоқчи эканини Фарғона телеканали орқали маълум қилди, болаларимизни Фарғонага учрашувга таклиф қилди. Бошқа ташкилий ишларни уддаладик, лекин транспорт муаммоси туғилди. Шунда яна қишлоғимиз, маҳалламиз мутасаддиларидан кўмак сўрадик. Афсус, бу сафар ҳам улардан кўмак бўлмади. Учрашувга ҳам боролмадик...

Ҳурматли таҳририят ходимлари. Агар спортга иштиёқи ниҳоятда баланд бўлган ёш бўжайликларнинг руҳан ва жисмонан баркамол катта бўлишларига ҳисса қўшишни истасангиз, мактубимизни газетангизда ёритсангиз. Балки шундан сўнг қишлоғимизда болалар спортини ривожлантиришга эътибор қаратишар. Зеро, доноларимиз "Болаларга қилинган яхшилик дунёдаги жамики яхшиликлардан улуғроқ" деган эканлар...

Баширжон ТЕШАБОЕВ."

ТАҲРИРИЯТДАН: ***Газета аралашуви натижасида юқорида газетхон баён этгани каби муаммолар ижобий ҳал бўлган, стадионлар қурилган ёки таъмирланган ҳолатларга кўплаб мисол келтиришимиз мумкин. Биз Бўжай қишлоғида ҳам шундай бунёдкорлик ишлари яқин кунларда бошланиб қолишига умид қилган ҳолда мактубни чоп этишга қарор қилдик. Қолаверса, юқорида эътироф этилганидек, болалар спортини ривожлантиришга, Президентимиз ва ҳукуматимизнинг бу борадаги Фармон ва қарорлари ижросига етарли эътибор қаратаётган маҳаллаларни мисол қилиб оладиган бўлсак, мактуб муаллифи, қишлоқ болалари Бўжай қишлоқ фуқаролари йиғини раҳбарларидан имкони, иложи йўқ нарсани сўраётганлари йўқ.***

Андижон вилояти

Кўрғонтепа шаҳридаги Савай маҳалласи фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган чойхонага нафақат тумандан, балки қўшни туманлардан ҳам шахмат ишқибозлари келиб турадилар. Бу ерда баъзан шундай қизиқарли беллашувлар бўлиб турадики, уларни томоша қилиш учун ҳатто юзлаб ишқибозлар йиғилишади.

МАҲАЛЛАнинг ШАХМАТ КЛУБИ

— Чойхонадаги ўзига хос бу шахмат клубимизнинг доимий аъзолари кўпчиликни ташкил этади, — дейди маҳалла оқсоқоли Нўъмонжон Нуралиев. — Улар орасида турли ёшдаги кишилар, турли касб эгалари, меҳнат фахрийлари, ёшлар бор. Бунинг устига ҳар куни чор-атрофдан кўплаб меҳмонлар келиб туришади. Шунинг учун ҳам "Маҳалла" ва "Нуроний" жамғармалари туман бўлинмалари Ғалабанинг 60 йиллигига бағишланган шахмат мусобақасини шу ерда ўтказди. Унда юздан ортиқ ҳаваскорлар иштирок этиб, ғолиблар муносиб равишда тақдирланди.

Маҳалланинг шахмат клуби келажакда янада ривожланади. Бунинг учун маҳалла фуқаролар йиғини, юқоридаги жамғармалар унга моддий ёрдам беришни режалаштирдилар. Энди клуб ўйинлари коллежлар, мактаблар, меҳнат жамоаларида ҳам ўтказилди. Шу тариқа спортнинг бу турига яна ҳам кўпроқ одамлар жалб этилади.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Табиат ва биз

СОМОН ЁНСА... ЕР ЁНАДИ

2004 йилнинг ёзида ҳам Сурхондарё вилоятининг бир қатор фермер хўжаликларида ҳосил йиғиб олинган ердаги ғалла пояларига ўт қўйиш ҳолатлари кузатилган эди. Шу йилнинг 15 апрелида вилоят ҳокимининг қарори чиқиб, унда "...сомонни йиғиштириб олиш ва уни ёқиб юбормаслик бўйича чора-тадбирлар белгилансин" дея алоҳида ёзиб қўйилган. Бироқ шу қарор ва унинг асосида кўрилган барча чора-тадбирларга қарамасдан ўтган йилги хатолар жорий йилда ҳам такрорланди. Яна ғалладан бўшаган майдонларга бирин-кетин ўт қўя бошладилар.

— Нега қолдиқ сомонга ўт қўясиз? — деб сўрасангиз, айрим деҳқон-фермерлар шундай жавоб қилишади:

— Навбатдаги экинга ерни тозалаш учун. Қолаверса, шудгор қилганингиздан сўнг ҳам сомон-поялар осонликча чиримайди.

Албатта, бу гаплар деҳқончилик илмидан анча узоқда қолиб кетган одамнинг фикридир.

Вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Рустам Ҳамроев юз бераётган воқеалар муносабати билан қуйидагиларни айтди:

— Асл деҳқон, ернинг "тили"ни биладиган тадбиркор сомонга ҳеч қачон ўт қўймайди. Нега? Гап шундаки, **сомоннинг ёқилиши туфайли ҳавога углерод оксиди, бензапрон, акролсин, сирка кислотаси, кўрғошин, симоб оксидлари ҳосил бўлади ва тарқалади. Бундан ташқари, тупроқ таркибидаги унумдорликни таъминловчи микроорганизмлар қирилиб кетади, фойдали ҳашаротлар нобуд бўлади. Шунингдек, тупроқ юзасидаги жуда қимматли чиринди (гумус) моддаси, органик қолдиқлар куйиб кетади.** Деҳқончилик билан боғлиқ бўлган шу ҳикматларни биладиган деҳқон ҳеч қачон даладаги поя-сомонларга ўт ёқмайди. Бироқ...

Келинг, айрим мисолларга мурожаат қилайлик. Жарқўрғон туманидаги Н.Боймуродов номли ширкат хўжалигида Н.Қаранов 2,5 гектар, Х.Кўчкинов томонидан 2,5 гектарга ўт қўйилган. "Замин таноби" фермер хўжалиги ишчилари А.Эсонқулов, Г.Абраевлар 3,2 гектар ғаллапояга олов беришган. Бундан ташқари, Термиз туманига қарашли "Намуна" ширкат хўжалиги ҳудудида Б.Аҳмедов 2 гектар майдонга, Музрабод туманидаги ат-Термизий номли ширкат хўжалигида яшовчи деҳқон Э.Иброҳимов 0,6 гектарга, Сариосиё туманидаги "Рашиобод" ширкат хўжалигида А.Рўзиев 1 гектар ердаги қолдиқ сомонга олов ёқиб юборган. Мазкур қонунбузарликни содир этган 7 кишига Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 88-моддаси 3-қисмига асосан 23 минг 505 сўмдан маъмурий жарима белгиланди.

Дейлик, ишчилар кимнингдир буйруғини бажариб, ғаллапояларга ўт ёққандир. Лекин, айрим раҳбарларнинг ўзлари бу ишни амалга оширишса, нима дейиш мумкин? Масалан, Ангор туманидаги "Хуршид Даврон" фермер хўжалиги раҳбари Ф.Давронов томонидан ғалладан бўшаган бир гектар майдондаги сомон-поялларга олов бериб юборганлигига нима десангиз бўлади! Фермер хўжалиги бошлиғига нисбатан қонунга кўра 39 минг 175 сўм миқдорида маъмурий жарима белгиланди. Ва ундириб олинди. Ернинг қувватини, фойдали жиҳатларини нафақат тўла сақлаб қолиш, балки уни янада бойитишни кўзда тутиб иш қиладиган деҳқонлар асл деҳқондир. Лекин ғалладан озод бўлган майдонларга олов қўяётганларнинг деҳқончилик илмидан хабари борлиги шубҳалидир. Гапнинг дангали шуки, асл деҳқон ҳеч қачон ўзининг зиёнига қараб иш тутмагани каби, далага ўт ҳам қўймади.

Маҳмуд АБДУЛФАЙЗ,
"Туркистон-пресс".

Олам турфа

ЁМҒИР ТОВУШИ ОСТИДАГИ УЙҚУ

Уйқусизлик — ёмон касаллик-да. Бразилиялик Умберто Морету шу касалга мубтало бўлганди.

Ман-ман деган дўхтирлар, дори-дармонлар ёрдам бермади. Ўйлаб, ўйлаб охири йўлини топди. Умберто уйининг томига ёмғир товушини эслатувчи мослама ўрнатди. Энди у ўрнига ётиши билан тугмани босади, шу заҳоти ёмғир товуши эшитилади ва Морету уйқуга кетади.

БИЛАР-БИЛМАС ДАВОЛАШ ОҚИБАТИ

Испаниянинг Сарагосса шаҳрида яшовчи Кармела Алансо тўққиз ёшли қизи — Лауренсиянинг бўйи яхши ўсмаётганидан ҳолиб юрарди.

Қўшнисининг маслаҳати билан қизига ҳар куни уч маҳалдан — эрталаб, тушки овқатдан олдин ва кечқурун микройод дорисини ичказа бошлади. Орадан 4 ой ўтгач, Лауренсиянинг бўйи ўса бошлади, 8 ойдан кейин "бечора"нинг баландлиги 195 сантиметрга етса бўладими! Шундан сўнг она дорини бермай қўйди ва бўйини тўхтатиш учун дўхтирларга мурожаат этди. Мутахассисларнинг фикрича, Лауренсиянинг бўйи ўсиши 18 ёшга тўлгандагина тўхташи мумкин. Бунгача қизнинг бўйи қанчага етишини тасаввур қилиб кўринг-а!

М.ИСЛОМОВА
тайёрлади.

Навоий вилояти

Аёл ташаббуси

КУТУБХОНА — ҚУТЛУҒ ДАРГОҲ

У доим шундай бўлиб қолиши керак, дейди Ўғилой Нормуродова

Ҳаёт ва китоб ўзаро узвий тушунча. Ҳаётсиз китобни, китобсиз ҳаётни тасаввур қилиш мушкул. Ўғилой Нормуродованинг онгида ёшлигиданоқ ана шундай қараш шаклланди. У китобга бўлакча меҳр қўйди, китобни севишга, ардоқлашга ўрганди.

2003 йилда туман раҳбарияти уни туман марказлашган кутубхоналар тизимига раҳбар этиб тайинлади. Хароб бинода жойлашган туман марказлашган кутубхонаси туман ҳокимлиги биносига кўчирилди. Икки-уч йил ичида кутубхонанинг китоблар жамғармаси 155 минг 672 тадан 157 минг 58 тага кўпайди. Барча қулайликларга эга бўлган мутоала залининг ўн беш номдаги газета ва журналлар билан йил давомида таъминланишига эришилди.

Кутубхоналар китоб жамғармаси бойитилмоқда. Бу борада бюджет маблағларидан ташқари ҳомийларнинг, ҳиммат инсонларнинг кўмагидан фойдаланилаяпти.

Яқинда шундай хайрли ташаббуслардан бири "Кутубхона — қутлуғ даргоҳ" мавзусида марафон ташкил этилгани бўлди. Байрамона тарзда ўтган ушбу марафонда тадбирнинг фаол иштирокчи китобсеварлари томонидан кутубхона жамғармасига 240 минг сўмлик дона бадиий адабиётлар тақдим этилди. Ўғилойнинг таъкидлашича, бундай тадбирлар фақат туман марказида эмас, балки қишлоқ ва маҳаллаларда, ўқув муассасаларида ҳам ўтказилаётган экан.

— Мақсадимиз китоблар ва китобхонлар сонини ошириш орқали аҳолининг маънавий савиясини янада юксалтиришдан иборат, — дейди Ўғилой Нормуродова. — Ўйлайманки, бу эзгу мақсадимизга секин-аста эришаяпмиз. Туманда китобхонлар сонининг ўтган уч йил мобайнида 16 минг 700 нафардан 20 минг 95 нафарга кўпайгани фикримизнинг тасдиғи бўла олади.

Менглибой МУРОДОВ,
"Mahalla" мухбири.

СУРАТДА: *тумандаги 27-тармоқ кутубхона ходими Б.Ўринова (чапдан) китобхонларга китоб танлашда ёрдам бермоқда.*

Тошкент вилояти

Янгийўл туманидаги Ишчилар шаҳарчаси маҳалласига ўтган йилда Баҳодир Абдураҳмонов раис этиб сайлангач, ҳудудда ободончилик ва бунёдкорлик ишларига эътибор кучайди. Хусусан, маҳалланинг ички йўлларига асфальт ётқизилди, ҳудуддан оқиб ўтувчи Жун ариғи устига кўприк қурилди, фуқаролар йиғини янги бинога кўчиб ўтди.

СУРАТДА: *маҳалла фуқаролар йиғини раиси Б.Абдураҳмонов (чапдан биринчи) маҳалла посбони Н.Нурҳайдаров ва котиба Роза Жусуновалар билан.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Жамғарма фаолиятидан

Сурхондарё вилояти

КАРМАЛИДА ХОТИРА МАЙДОНИ

У ва яна кўплаб иншоотлар жамғарма туман бўлинмаси ташаббуси билан бунёд бўлмоқда

Гуласал Умбарова эндигина ўттиз олти ёшни қарши олган бўлишига қарамай, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган инсонларга хос фикр юритади.

Олийгоҳда ўқиб, муҳандислик касбини эгаллагандан сўнг "Релеавтоматика" заводининг Қизириқ тумани филиалида фаолият кўрсатишни бошлаган Г.Умбарова тез орада ишбилармонлиги, тадбиркорлиги билан эътибор қозонди. Туман Хотин-қизлар кенгашида етакчи мутахассис, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимида раис лавозимларида ишлаб ҳаётда тобланди. Мана, уч йилдирки у "Маҳалла" жамғармаси Қизириқ тумани бўлинмасини бошқармоқда. Олтита қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган йигирма саккизта маҳалла йиғинлари ходимларига йўл-йўриқ кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш унинг зиммасида, 81 минг нафар аҳолининг қувонч-ташвишларига шерик. Тўғри, ҳар бир маҳаллада хайрли ишларни бошловчилар, халқни эзгулик сари ундовчилар бор. Аммо кимдир ниманидир эслатиб, тадбирлар билан, жўяли маслаҳат бериб туриши керак-да. Масалан, Пахтакор қишлоқ фуқаролар йиғинида айтилган кекса отахоннинг гапи маҳаллада гузарлар барпо этилишига туртки бўлди. Савдо, маиший хизмат нуқталари фаолият кўрсатмоқда. Янгийўл қишлоқ фуқаролар йиғинида эса қишлоқ оқсоқоли А.Болтаев ташаббуси билан ободонлаштириш юмушларини амалга оширишда, тақир ерларда боғлар борпо этишда, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатишда янги-янги тадбирлар қўлланди. 16 километр ички йўллар таъмирланди. Аҳолининг табиий газга ҳамда ичимлик сувига бўлган эҳтиёжи қондирилмоқда. Энг қувончлиси, Гуласал Умбарованинг саъй-ҳаракати билан фахрийлар хиёбони яратилди.

Яқинда Кармали маҳалласида Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган қишлоқдошлар хотирасига Хотира майдони барпо этилди, атрофи кўкламзорлаштирилди. Бу ишнинг ҳаражатларини фермер Жўра Тилаков ўз зиммасига олди.

Бўлинма раиси ҳар бир йиғилиш, ҳар бир хайрли тадбирни алоҳида ҳозирлик билан ўтказишга ҳаракат қилади. Энг долзарб масалаларни ҳал этишда кўпнинг фикри билан ҳисоблашади. Оғоҳликка даъват, ёшлар тарбияси, гиёҳвандликка қарши кураш юзасидан ўтказилаётган тарғибот-ташвиқот юмушларидан ташқари уюштирилаётган кўпгина спорт мусобақалари, ободончилик тадбирлари, мурувват ишларининг бошловчиси ҳамдир. Фаолиятининг кўп жиҳати аёллар саломатлигини сақлаш, хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш ишлари билан бевосита боғлиқ. Жорий йилнинг ўтган 5 ойида туманда хотин-қизлар иштирокида бешта спорт мусобақалари ўтказилганлиги фикримизга далилдир. Наврўз айёми арафасида ўтказилган хайрия ҳашаридан тушган 400 минг сўм маблағ аҳолининг кам таъминланган қатламига моддий ёрдам кўрсатиш учун сарфланди. Бевосита жамғарма раисининг ташаббуси билан ана шундай оилалар фарзандларининг 28 нафарига суннат тўйи ўтказилиб, Халқ банкида уларнинг ҳар бири ҳисобига 5 минг сўмлик омонат дафтарчалари очилди.

Айтиш жоизки, Г.Умбарова ва бошқа фаолларнинг бевосита саъй-ҳаракатлари туфайли маҳалла учун уй-жой, транспорт, маданий ва коммунал хизмат кўрсатиш шохобчалари ажратилганлиги аҳолига қатор қулайликлар яратилишига хизмат қилди. Эндиликда Пахтакор, Бўстон, Янгийўл ва бошқа қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги маҳаллаларга ажратилган идора бинолари, қишлоқ клуби, кутубхона, дала шийпони, автомашина, автобус, трактор ва тиркамаларни қайтадан таъмирлаб, фуқаролар ихтиёрига топшириш кўзда тутилган.

Омон ШУКУРОВ,
Парда НАЗАРОВ .

Газетанинг 6 июль сонидаги "Mahalla"сиз маҳаллалар" мақоласида вилоятимиздаги маҳаллалар фаолияти учун зарурий нашр бўлган газетага обуна ишларини ташкиллашда йўл қўйилган айрим камчиликлар ҳақида сўз юритилганди.

Муносабат: 2005 йил, 6 июль

"Mahalla"сиз маҳаллалар..."

Ушбу мақола жамғарманинг вилоят бўлими, туман ва шаҳарлар бўлинмалари, қишлоқ, маҳалла, шаҳарча фуқаролар йиғинларида атрофлича муҳокама этилди, танқиддан тегишли хулоса ясалди. Айни кунда вилоятдаги барча фуқаролар йиғинларида йилнинг иккинчи ярми учун обуна ишлари қизғин ташкил этилмоқда. Бунда жамғарманинг туман ва шаҳарлар бўлинмалари мутасаддиларига фуқаролар йиғинларга обуна ташкил этишда ташкилий ва амалий жиҳатдан кўмак кўрсатиш зарурлиги алоҳида уқтирилган.

Р.АБДУРАҲМОНОВ,
"Маҳалла" жамғармаси Сирдарё вилояти бўлими раиси.

* * *

"Mahalla" кейинги йилларда маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаолияти учун дарҳақиқат ўзига хос дастурил амалга, илғор тажрибаларни, янгиликларни ҳозиржавоблик билан тизим ходимларига етказувчи алоқа воситасига айланган. Шундай экан, ушбу газетани олмаётган йиғинлар фаолиятида узилишлар, камчиликлар бўлиши табиий.

Обунани уюшқоқлик билан ташкил этиш, бу нашрнинг ҳар бир фуқаролар йиғинига етиб бориши учун чора-тадбирлар белгилаш борасида жамғарманинг бўлим ва бўлинмалари томонидан сусткашликка йўл қўйилаётгани ачинарли ҳолдир. Яқинда газетада чоп этилган "Mahalla"сиз маҳаллалар" сарлавҳали танқидий-таҳлилий мақолада жойларда маҳалла йиғинларининг тизим нашрига обуна бўлиш даражаси ҳақида билдирилган фикрлар жамғарма вилоят бўлимининг навбатдаги раёсат йиғилишида асосий масала сифатида кун тартибига қўйилди. Афсуски, вилоятимизнинг айрим ҳудудларида обунага етарли эътибор берилмаганини тан олишимиз жоиз. Масалан, вилоятимизнинг Наманган, Косонсой туманларида обунани уюштиришда сусткашликка йўл қўйилган. Раёсат иштирокчилари йилнинг иккинчи ярми учун обунани ташкиллаш ишларини янада жонлантириш зарурлиги ҳақида фикрларни якдиллик билан қувватладилар. Шунингдек, айни кунгача обуна бўлган йиғинларга газетанинг ўз вақтида етиб боришига тўсқинлик қилаётган муаммолар ҳам муҳокама этилди, уларни бартараф этиш юзасидан таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

О.НУРИТДИНОВ,
"Маҳалла" жамғармаси Наманган вилояти бўлими раиси.

Табиий газ — бебаҳо бойлик

Самарқанд вилояти

ҚАРЗЛАР КАМАЙСА... ЗАНГОРИ ОЛОВ ЎЧАЯДИ

Халқ эҳтиёжи учун зарур бўладиган неъматни исроф қилиш увол саналади. Шу маънода бугун табиий бойликлардан ўз ўрнида, эҳтиёткорлик билан фойдалансак, келажак авлодларга катта ғамхўрлик қилган бўламиз.

Истеъмолчилар орасида газ ҳақини ўз вақтида тўлаб борадиганлари кўпчиликни ташкил этади. Ўз бурчига садоқатли бундай одамлар хонадонларга роҳатбахш иссиқлик олиб кирадиган, чой ва таомларимизнинг бир зўмда лаззатли қилиб тайёрланишига имкон яратадиган "зангори олов"нинг қадрига етадилар. Аммо ҳаммамиз ҳам шу таҳлит фикр юритмаймиз-да. Келинг, "Самарқандгаз" ҳудудий газ таъминоти корхонаси мисолида баъзи ҳолатларни таҳлил қилайлик.

Вилоятда айни пайтда 490 минг 344 та хонадон мавжуд бўлиб, шундан 424 минг 627 таси табиий газдан тўлиқ баҳраманд бўлаётир. Демак, вилоят аҳолисининг 86,6 фоизи бу қулайликдан манфаатдор.

— 2004 йил мобайнида 280,2 километр масофага газ тармоқлари тортилди, — дейди "Самарқандгаз" ҳудудий газ таъминоти корхонаси директори Шавкат Усмонов. — 64,2 километр масофадаги газ тармоқлари қурилиши корхонамиз ишчи-хизматчилари кучи билан амалга оширилди. Бу юмушларни бажариш учун 830 миллион сўм маблағ сарфлашга тўғри келди. Ўтган йили 69 та қишлоқ ва маҳаллаларга газ тармоқлари ўтказилган бўлса, жорий йилда вилоятимизнинг яна 67 та қишлоқларидаги аҳолига қулайлик яратишни режалаштирганмиз. Бироқ бу борадаги энг асосий муаммомиз аҳолининг фойдаланилган табиий газдан юзага келган дебиторлик қарзлари масаласидир. Вилоят ва туман ҳокимликларининг ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолларининг беминнат ёрдамлари туфайли аҳолининг идорамиздан қарздорлиги аста-секин камаймоқда. Маҳаллалар билан ҳамкорликда иш юритиш аҳоли қарзларининг бир мунча камайишига имкон яратди. Хусусан, 2004 йилнинг биринчи чорагига нисбатан дебиторлик қарздорлик 2005 йил биринчи чорагида 2 миллиард 683 миллион 300 минг сўмга камайди. Ҳар ҳолда интилишларимиз зое кетмаяпти. Аҳоли ўртасида олиб борилаётган тушунтириш ва ташвиқот ишлари имкониятларимиз кўламини янада кенгайтирмоқда.

Ҳозиргача қарздорлиги кўп аҳоли қатламидан 220 миллион 812 минг сўм тўлов ундирилди. Айрим оила соҳиблари ҳисоблагичлар ўрнатишни пайсалга солиб келаётир. Одатда истеъмолчининг масъулиятини оширмай туриб, кўзланган натижага эришиб бўлмайди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятдаги 897 та маҳалланинг 781 таси билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар тузилган. Эътиборлиси шундаки, 36 та маҳалла фуқаролар йиғинлари тўловлар бўйича тушумлар режасини юз фоизга бажарган. Уларга 3 миллион 582 минг 630 сўм маблағ ажратилди.

Ҳа, вилоятда табиий газдан фойдаланиш ва қарздорликни бартараф этиш борасида анчагина ибратли ишлар амалга оширилган. Буни "Нурободгаз" корхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Туманда аҳолининг дебиторлик қарзи 10,4 миллион сўмни ташкил этди. Бу бир ойлик газ ҳажми миқдорида эканлиги ижобий ҳолдир. Нуробод туманидаги газ билан таъминланган хонадонларнинг барчасига ҳисоблагичлар ўрнатилган. Натижада ортиқча сарф-харажатларга чек қўйилмоқда. Худди шундай "Каттақўрғон шаҳаргаз" корхонасида ҳам аҳоли дебиторлик қарзи 107 миллион сўмни ташкил этаётир. Бу бир ярим ойлик газ ҳажми миқдорида эканлиги аниқланди. Улгуржи истеъмолчилар кредиторлик билан ишлаб келмоқда. Аҳоли хонадонларинидаги 89 фоизига газ ҳисоблагичлар ўрнатилган.

Табиий газ — халқ бойлиги. Уни тежаб ишлатган истеъмолчи келажак авлод олдидаги қарзини ҳам узган ҳисобланади. Зеро, давр ер ости бойликларидан тўғри ва оқилона фойдаланишни тақозо қилади. Бойликларни кўз қорачиғидай асраб-авайлашга ҳар бир оила соҳиби ўзини масъул деб билмоғи зарур.

Ғайрат БОБОҚУЛОВ,
"Mahalla" мухбири.

Фарғона вилояти

Марғилон шаҳрининг энг чекка ҳудудларидан бири — Галатой маҳалласи фуқаролар йиғини аҳолиси ҳам ўзларининг шинам гузарларига эга бўлдилар.

ГАЛАТОЙГА ШИНАМ ГУЗАР

Гузарда савдо, умумий овқатланиш, тиббиёт, маданий-маиший хизмат шахобчалари мавжуд. Замонавий лойиҳа асосида қурилган маҳалла биносида йиғин раиси, котиб, маслаҳатчи ва посбонлардан ташқари, маънавият ва маърифат, милиция таянч пункти ходимлари хоналари ҳам жойлашган. Хоналарни жиҳозлаш учун "Маҳалла" жамғармасининг вилоят бўлими ва шаҳар бўлинмаси томонидан 3 миллион 500 минг сўмлик ҳар хил янги жиҳозлар олиб берилди.

Гузар қурилиши билан бир вақтда маҳалланинг ичимлик суви, газ, электр таъминоти муаммолари ҳам ҳал қилинди. 16-умумтаълим мактаби хоналари ва йўллар таъмирланди.

Гузар қурилиши ва таъмирлаш ишлари ҳомийлар ҳамда маҳалла аҳолиси томонидан ҳашар йўли билан амалга оширилди. Қурилишга маҳалла фуқаролар йиғини раиси Райимхон Холбеков ва фаоллар бош-қош бўлишди.

Маҳалла гузарининг очилиши катта тантанага айланиб кетди. Шу куни маҳалладаги кам таъминланган оила фарзандлари — Ҳасанбой ва Ҳусанбойнинг хатна тўйи ҳам ўтказилди. Уларга маҳалла аҳли томонидан қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Ўтмишда қолган кентлар

САВДОГАРЛАР ШАҲРИ

Қадимий Бухородан чамаси 50 километр жануби-ғарбда, Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида Мовароуннаҳр музофотининг жанубий дарвозаси ҳисобланган қадимий бир шаҳарнинг вайроналари, ҳаробалари бизнинг давримизгача сақланиб қолган.

Тарихий манбаларда ёзилигича, бу шаҳар қадимда Пойкенд номи билан бир замонлар шуҳрат топган. X асрда яшаган бухоролик тарихчи Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий ўзининг "Бухоро тарихи" номли китобида "Пойканд — Бухородан қадимийрокдир" деб ёзади.

Қадимшанос олимларимиз Яҳё Ғуломов, Аҳмадали Асқаров, Абдулаҳад Муҳаммаджонов ва бошқа олимлар томонидан қарийб 20 гектарлик қадимий Пойкенд ҳаробаларида 1960-1970 йиллар давомида археологик қазиш ишлари олиб борилиб, топилмаларнинг қадимийси милодгача бўлган IV аср охири III асрга тегишли эканлиги аниқланган.

Дастлаб Пойкенд милоддан аввалги IV асрда машҳур Сўғд мамлакатининг Қизилқум билан туташиб кетган ғарбий чегараси бўйлаб барпо этилган кўпдан-кўп истеҳкомлардан бири сифатида қад кўтарган. Кейинчалик эса шаҳарга айланиб, то XI аснинг ўрталаригача, яъни ўн беш аср давомида гуллаб-яшнаган.

Ёзма манбаларда Пойкенд "Жездан бино қилинган қалъа", "Мустаҳкам девор билан ўралган шаҳар" номлари билан тилга олинади. IX аср тарихчиси Яқубий "Пойкенд машҳур шаҳар, унда хилма-хил одамлар (халқлар) бор" деб ёзади. X аср араб тарихчилари Ибн ал-Фақиҳ ва Абу Жаъфар Муҳаммад Жобир ат-Табарий асарларида Пойкенд "Савдогарлар шаҳри" дейилган.

Пойкендда подшоҳлар қароргоҳи бўлган. "Бу вилоятда бўлган ҳар бир подшоҳ ўзи учун Пойкенддан турар-жой қилар эди. Арслонхоннинг Муҳаммад ибн Сулаймон ўз даврида Пойкендни қайта қуришга буюрган. Шаҳар атрофидан одамлар бу ерга йиғилишиб чиройли иморатлар бунёд этганлар. Арслонхон ўзи ҳам жуда ҳашаматли сарой қурдирган", деб ёзади тарихчи Наршахий ўзининг "Бухоро тарихи" китобида. Пойкендда катта жомеъ масжиди ва олий иморатлар, турар-жойлар кўп бўлган. Милодий 854 йилга қадар Пойкенд дарвозаси атрофларида работлар ва савдо расталари бўлган.

Пойкенд илк ўрта асрларда Бухоро воҳасидаги энг обод ва йирик шаҳарлардан ҳисобланган. Ўзининг қулай географик ўрни туфайли Пойкенд Самарқанд билан Бухорони Ўрта ва Яқин Шарқ шаҳарлари билан боғлаган. Шарқий Туркистондан чиқиб, Самарқанд, Бухоро, Омул, Марв орқали Рай ва Боғдодга йўналган қадимги Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғи Пойкенд шаҳри орқали ўтган. Шунинг учун ҳам Пойкенд илк ўрта асрлардаёқ Мовароуннаҳрнинг жанубий дарвозасига айланган. Тарихий манбалар ҳамда географ олимлар ва сайёҳларнинг гувоҳлик беришича, ҳар бир Бухоро қишлоғининг Пойкендда ўз работи бўлган. Ўша замон одамлари, шаҳарда бўлган сайёҳ ва меҳмонлар Пойкендни "Бойкенд", яъни "Бой жой" деб таърифлаганлар. Демак, бу даврда Пойкенд Бухоро воҳасида ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, меъморчилик ва маданий ҳаёт ривожланган марказлардан, обод ва бой шаҳарлардан бири бўлган.

Айни бир вақтда Пойкенд ва унинг атрофларида ишлаб чиқарилган ҳунармандчилик буюмларининг бошқа мамлакат ва вилоятларда харидорлари кўп бўлган.

Пойкенд шаҳри ва унинг атрофларига ташқи босқинчилик ҳужумлари тез-тез содир бўлиб турган ва бунинг натижасида шаҳар бир неча бор талон-тарож қилиниб, вайрон этилган. Биринчи бор 674 йили араб лашкарбошиси Убайдулла ибн Зиёд Пойкендни босиб олган ва талон-тарож қилган. Тарихчи Табарий Пойкенд шаҳрини 706 йилда Қутайба ибн Муслим босиб олганлигини ва у шаҳардан жуда кўп ўлжани қўлга киритганлигини қайд этади.

Араблар ҳужуми оқибатида талон-тарож қилинган ва вайронага айланган Пойкенд шаҳри ва атрофлари қаровсиз қолган, унинг қадимги Қизариқ суғориш иншооти бутунлай ишдан чиққан. Бўшаб қолган Пойкенд бир мунча вақтдан сўнг қайта тикланиб, Зарафшон дарёсидан унга янгидан сув чиқарилиб, шаҳарда ҳаёт яна жонланган. Шаҳар ва унинг атрофларида янгидан саройлар, турар-жойлар, савдо иншоотлари, дўконлар, расталар, карвонсаройлар ва бошқа бинолар қурилган. Пойкенд шаҳри ҳар томонлама, айниқса, савдо-сотиқ соҳасида тез ривожлана борган. Бироқ сувнинг етишмаслиги ҳамда ташқи ҳужумлар туфайли бир замонлар гуллаб-яшнаган Пойкенд шаҳри XII асрнинг иккинчи ярмига келиб яна инқирозга учраб, вайронага айланган.

"Пойкенд машҳур шаҳар, унда хилма-хил одамлар (халқлар) бор. Пойкенд аҳолисининг ҳаммаси савдогар бўлган, улар Хитой билан ва денгиз орқали бориладиган мамлакатлар билан савдо қилганлар ва ғоят бой бўлганлар".
НАРШАХИЙ

Пойкенд шаҳри қолдиқлари, харобалари асрлар давомида ўрганилмай, олимлар назаридан четда қолиб келди. Фақат XIX асрнинг 90-йилларидан бошлаб айрим ҳаваскор ўлкашунослар ҳамда "хазина топаман" деб юрганлар томонидан режасиз, пала-партиш равишда ковланиб, қисман ўрганилган. Топилган тарихий ашёлар, осори-атиқалар ҳамда турли даврларда зарб этилган тангалар, заргарлик буюмлари талон-тарож этилган.

Дастлаб қадимий Пойкенд шаҳри харобалари тўғрисида 1896 йили ўлкашунос Ситняковский қимматли маълумотлар берган. Кейинроқ, 1903 йилда Помпелли, 1913-14-йилларда Зимин, 1939 йилда Якубовский, 1940 йилда Кесати, Шишкин, Яҳё Ғуломов, кейинроқ А.Асқаров, А.Муҳаммаджонов, Б.Турғунов, Ў.Исломов ва бошқалар томонидан қадимий Пойкенд шаҳри ва унинг атрофлари илмий асосда чуқур ўрганилди, шаҳарнинг ўтмиш тарихи, қурилиш услуби, тузилиши ҳақида янги ва қимматли маълумотлар тўпланди. Қадимшунос олимларимиз томонидан Пойкенд шаҳри вайроналаридан топилган кўплаб тангалар, сопол буюмлар, кўза ва кўзачалар синиқлари, қўл тегирмон тошлари, турли ҳажмдаги ва шаклдаги дори-дармон тайёрланадиган шиша идишлар, шунингдек, VIII асрда аҳолига дори-дармон тайёрлаб берган лаборатория-дорихона қолдиқлари ва бошқа буюмлар топилди. Улар мутахассис олимларимиз томонидан пухта ўрганилди.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

ЭНГ БУЮК МУҲАББАТ

Офтоб нур сочади борлиққа текис,
Тафтидан баҳраманд замину осмон.
Оламни яратган бенуқсон, тўкис,
Тангрига сано айт, сажда қил, инсон.
Қалбингдан мустаҳкам жой олсин фақат
Аллоҳга муҳаббат, Ҳаққа муҳаббат,
Истибдод зулмидан қутилган ҳилқат—
Ватанга муҳаббат, халққа муҳаббат.

Ризқимиз сочилган шу тупроқ, шу зар
Қадрла, кўзга сурт, топмасин озор.
Тириклик чоғингда насибанг берар,
Ўлсанг қучоғига олгувчи мозор.
Саждагоҳ заминда асл ҳақиқат—
Аллоҳга муҳаббат, Ҳаққа муҳаббат.
Одамзод қалбида бўлсин то абад
Ватанга муҳаббат, халққа муҳаббат.

Бу кунларга етдик, етмаганлар кўп
Эрк деб ўлим топган инсонлар ҳаққи,
Иймонсиз жаллодлар мавҳ этган тўп-тўп,
Кафансиз кўмилган қурбонлар ҳаққи.
Юртбошим бошлаган йўл асл ҳикмат
Аллоҳга муҳаббат, Ҳаққа муҳаббат,
Буюк алломалар туғилган сарҳад—
Ватанга муҳаббат, халққа муҳаббат.

Мардон ТЎРАЕВ, пенсионер.
Тошкент шаҳри.



Юртимизда ёз чилласи. Бу паллада сўлим гўшалар янада тароватли...

Шунақаси ҳам бўларкан

Баъзан шундай, очиғи номини нима деб аташга ҳам қийналадиган ажабтовур воқеа-ҳодисалар, яна аниқроғи антиқа қилиқларга дуч келасанда, дунёнинг ишларига, айрим шайтонмижоз қиз-жувонларнинг нағма-усулларига ҳайрон бўлиб "тавба" деб ёқа ушлайсан киши.

МЕҲМОНДА... "МОДАЛАР НАМОЙИШИ"

Тунов куни бир гуруҳ яқин жўралар оилавий меҳмонда бўлдик. Уй бекаси Салтанатхон ўта сермулозамат, хонага ҳар кирганда "Ассалому алайкум, хуш келбсизлар" дейишни унутмас, чиқаётганда "Кечирасизлар, мен ҳозир"ни тўтидек қайтарарди. "Ҳеч сизни тарбиялай олмадимда, меҳмонга ўхшаб ўтирмасдан олинг-олинг қилмайсизми" деб эрига дашном беришни ҳам асло унутмас, очиғи рўзғорнинг якка ҳокимидек тутарди ўзини. Майли, ҳар кимга Аллоҳ берган феъл-атвор, ҳар қандай муомала, "ҳурмача қилиқ"ларга чидаса бўлади-ю, аммо мезбон онаю қизнинг биз илгари учратмаган қилиқлари...

..Салтанатхон меҳмонлар олдига неча бор кирмасин ҳар сафар янги кийим ва тақинчоқлар билан безаниб кирар, меҳмондорчилик одоби, қонун-қоидалари бир ёқда қолиб, хотин-қизларнинг оҳ-воҳи, ҳайрати, мақтовлари бошланар, заргару тикувчиларга тасаннолар айтилиб, уларнинг турар манзиллари суриштириларди. Эркакларнинг хуноби ортар, бу ўзига хос "модалар намойиши" эртага барча хонадонларда ади-бадию, кулфатларга сабаб бўлишини англаш қийин эмасди.

Уй эгаси Қосимжоннинг хуноби тобора ошар, яна аниқроғи жиғи бийрон бўларди, хотини ҳар сафар турли тусда товланиб кирганда:

— Онаси, илтимос, овқатингни суз, меҳмонларни ҳам роса қийнаб, чарчатиб қўйдик.

— Вой шошилманг, кечалари узоқ, суҳбатлашинглар, у ёқ бу ёқдан сўзлашинглар сиз эркаклар ҳам, меҳмондорчилик фақат ейиш-ичишдан иборат эмаску, ахир.

— Ҳа, шундай-у, аммо...

Қосимжон тилини тийди. "Ахир меҳмонлар сенинг кийимларингни томоша қилишга келмаган-ку" деб жеркиб солгиси келдию, нималарнидир ўйлаб тилини тийди.

"Ҳозир, икки дақиқада овқатнинг биринчисини олиб келман" деб кетган Салтанатхон яна қандайдир "халат" кийиб келиб хотинларнинг кўзини ўйнатди.

— О, қойил, қойил, ана бунисини антиқа деса бўлади, — чириллашиб қолди хотинлар.

— Янги мато, "Бегона" дейишаркан, телевизорда бериладиган кино сериал қаҳрамони номига қўйишган бўлса керакда. Мижозим чет элдан атиги бир кийимлик олиб келди. Мана бу зарларини атайин Бухорога бориб тўқитиб келдим. Бу ердагиларнинг қўлидан келармиди бундай нозик иш. "Қош қўяман деб кўз чиқариб" неча минг долларлик матонинг бошига сув қуйишади, — таърифлади либос соҳиби.

Биринчи овқатгача Салтанатхон яна уч карра янги модада, энг сўнгги матодан тиктирилган кийимларни намойиш этиб улгурди. "Қуш уясида кўрганин қилади" деганларидек, қизчаси Нозикхон ҳам ҳар сафар онасидан сира орқада қолгиси келмай, янги кийимларда ҳали чой, ҳали сочиқ кўтариб келади, ойижониси изидан.

Саккизинчимиди, ўнинчи... кийиниб келганда ва навбатдаги оҳ-воҳлар бошланганда эркак меҳмонларнинг хуноби тоза ошди. Юқорида ўтирган сочи оқ, бошқалардан бироз ёши улуғроқ киши омин, деб меҳмондорчиликка, аниқроғи "модалар намойиши"га якун ясади. Ахир соат тунгги бирдан ошган эди-да. Хотинлар ҳам ноилож ўрниларидан туришди.

— Ахир манти тайёр, беш дақиқа сабр қилинглар, ҳозир олиб кираман, — деганича донг қотиб қолди яна бир тусда кийиниб чиққан Салтанатхон.

Мен йўл-йўлакай аслида меҳмондорчилик қай мақсадда ташкил этилгани, она-қизнинг саноқсиз сарполарига маблағ қаердан, қайси ҳисобдан келаётгани, бечора Қосимжоннинг рўзғоридаги эрлик ўрни, ғурури ҳақида ўйлардим.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ

Навоий вилояти

Фермер фаолиятидан

ЕРДАН ОЛГАНИМ — ЭЛГА

дейди нуроталик фермер Норбой Дўсматов

Нуроталиклар Норбой Дўсматовни саховатпеша инсон, ташаббускор фермер сифатида биладилар. Аслида, Норбой ака ёшлигидан деҳқончиликнинг ҳадисини олган. Ўттиз беш йил давомида тумандаги А.Навоий номли ширкат хўжалигида ишлаб, бу соҳада катта тажриба орттирган.

Мустақиллик шарофати билан юртимизда фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилиши ерга меҳри бўлакча, тадбиркорликка мойиллиги баланд Норбой Дўсматовга қанот бағишлади. У туман ҳудудида "Икром-барака" фермер хўжалигини ташкил этиб, бу ерда турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни йўлга қўйди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жорий йил фермер учун омадли келди. У ўз хўжалигига қарашли 10 гектар ғалла майдонидан юқори ҳосил кўтариб, йиллик шартномавий режа шартларини 120 фоизга уддалади.

Норбой аканинг яхши бир одати бор: ў фермер хўжалигидан олган даромадини муҳтожлар билан баҳам кўради, хайрли ишларга сарфлайди. Н.Дўсматов бу йил ҳам ўз анъанасини давом эттирди. Хўжаликдан олинган фойданинг бир қисмини ўзи истиқомат қиладиган Янгиобод қишлоғидаги кам таъминланган оилаларга улашиб берди. Шунингдек, фермер янги 2005-2006 ўқув йили олдидан ҳудуддаги 33-умумтаълим мактабида таҳсил олувчи эҳтиёжманд оилалар фарзандларига дарслик, ўқув қўлланмалари олиб беришни ният қилган.

— Бугунги кунда маҳаллаларимиз ободлигига эришишда, одамларимиз турмуши фаровонлигини таъминлашда фермер ва тадбиркорларнинг улуши катта бўлаётгани ҳаммамизга яхши маълум, — дейди Янгиобод маҳалласи фуқаролар йиғини раиси М.Бозоров. — Айниқса, уларнинг меҳр-мурувват ишларига ҳомийлик қилаётгани натижасида ҳудудда яшовчи эҳтиёжманд инсонларнинг ижтимоий турмуши яхшиланаяпти, ишсизликка барҳам берилаяпти.

Ҳа, оқсоқолнинг Норбой Дўсматов сингари саховатпеша фермерлар ишидан қувониб гапираётгани бежиз эмас. Зеро, фермер — ер эгаси, мулкдор ва энг муҳими, у ҳомий. Бу эса мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлидаги энг муҳим омиллардан биридир.

Х.ШОПЎЛАТОВ

МУҲАЖЖИМЛАР ТАЪВИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Муаммоларингизни ҳал қилишда айнан шанба, якшанба кунлари ўзингизга бўлган талабчанлигингизни ошириш сиз учун фойдалидир.

СИГИР(22.04-20.05)
Муҳим вазифаларни амалга оширишдан олдин оила аъзоларингиз сизни қўллаб-қувватлаётганлигига ишонч ҳосил қилинг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Ҳар қандай вазиятни ҳам ўзингизга манфаатли томонга йўналтира олишингиз ҳафта давомида ўз самарасини беради.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)
Айни кунлардаги молиявий масалалар муҳокамаси сиз учун омадли якунланиши кутилмоқда.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Таълим, қимматбаҳо қоғозлар ёки реклама билан боғлиқ юмушларингиз бошқа масалаларга қаранганда осонроқ ҳал бўлади.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Шу кунларда сизда асабийлашиш ҳолатлари юзага келиши мумкин. Ташвишларни унутиб, дўстлар даврасида дам олинг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Режаларингизни амалга оширишга шошилмаганингиз маъқул. Дам олиш кунларини табиат қўйнида ўтказинг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Ҳафта давомидаги масалаларингиз ўз меъёрида ҳал бўлади, лекин дам олиш кунлари сабр-тоқатли бўлишингизга тўғри келади.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Иш юзасидан бўладиган музокараларда ўз фикрингизни билдиринг, аммо бирон бир хатти-ҳаракат олдидан яхшилаб ўйлаб кўринг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Дам олиш кунларини оила аъзоларингиз, ота-онангиз даврасида ўтказсангиз, янги ҳафтани яхши кайфиятда бошлайсиз.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Шу кунларда ҳамкасблар билан муносабатингизда ўзингизнинг барча яхши хусусиятларингизни кўрсата олишингиз мумкин.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Ушбу ҳафтада тугалланмаган ишларингизни ҳеч кимнинг ёрдамисиз ўз поёнига етказиб қўйишингиз мумкин бўлади.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси Республика бошқаруви Бошқарув бош ҳисобчиси Махфират Қулматовага ўғли **Мурод ҚУЛМАТОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Қўшиқ... ва талқин

Муҳтарам маҳалладошлар!

Обуна — 2005

Ёдингизда бўлсинки, "Mahalla"га обуна бўлиш учун ҳеч қачон эрта ёки кеч бўлмайди. Йил бошиданоқ, ёки ўртасида, хуллас, истаган вақтингизда муштарийларимиз сафидан ўрин олишингиз мумкин.

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент вилояти Қибрай тумани 1-умумий ўрта таълим мактаби томонидан Абдукаримов Дилшод Комилжонович номига 1994 йилда берилган 11-синфни тугатганлиги тўғрисидаги 441390 рақамли шаҳодаднома йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

"TULAGAN — TIT" хусусий фирмаси "TULAGAN — TIT" Масъулияти чекланган жамиятга айлантирилмоқда.
Манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, 1"а" уй.

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

7056 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-624
1 2 3 4 5 6
Топширилди — 21.00